



ИРРИГАЦИЯ ЭРРОЗИЯСИДА ЕРЁНҒОҚ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЖРИБАЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

*Жўраев Акмалжон Нормухамадович қ.х.ф.ф.д., профессор,
Мўминжонов Санжарбек Равшанбек ўғли таянч докторан,
Хайитбекова Мухлиса талабалар*

Ирригация эррозиясига мойил ерларда ерёнғоқнинг “Қибрай-4” навини экиб етиштириш бўйича ишлаб чиқариш тажрибалари олиб борилди. Ишлаб чиқарш шароитидаги дала тажрибаларини Андижон туманидаги “Ақилбек-Нодир” фермер хўжалигининг 9 гектарлик дала майдонида 2024 йилда олиб борилди. Илмий тадқиқот ўтказилган йилларда олинган натижаларга асосан энг яхши натижалар олиниб юқорида келтирилган ишлаб чиқариш дала майдонларида тажриба синовлари олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тажриба тизими

Вар №	Кўчат қалинлиги	Биологик препарат “Биогуттен” ни меъёри
1	142 мин.дона/га	-
2	142 мин.дона/га	1 л/га
3	142 мин.дона/га	2 л/га
4	142 мин.дона/га	3 л/га
5	333 минг.дона/га	1 л/га
6	333 минг.дона/га	2 л/га



7	333 минг.дона/га	3 л/га
---	------------------	--------

Ишлаб чиқариш бўйича олиб борилган тажрибалар 7 та вариантда олиб борилди. Ишлаб чиқаришда олиб борилган тажрибада икки хил кўчат қалинлиги назорат сифатида ишлаб чиқаришда қўлланилиб келинаётган 142 минг.дона/га ҳамда олиб борилган диссертация ишида юқори натижага эришилган 333 минг.дона/га кўчат қалинликлари олинган. Бундан ташқари биологик препарат хисобланган “Биогуттен” ни 3 хил меъёри ва миқдори танлаб олинган.

Ишлаб чиқаришда олиб борган тажрибалардан олинган маълумотларда ҳам ерёнғокда кўчат қалинлиги кўпроқ қолдириб биологик препарат биогуттен сепилган вариантларда тупроқ зарраларини ювилиши бир оз камроқ бўлганлиги аниқланди. Таҳлиллар натижасига кўра ерёнғокни гектарига 142 минг.дона/га кўчат қалинлигида экилганда тупроқ зарраларини ювилиши 29315 кг/гк ни ташкил қилган бўлса, “Биогуттен” биологик препаратини 1 л/га, 2 л/га ва 3 л/га меъёрларда қўлланган вариантларда эса мос равишда 29161; 27945; 27581 кг/га бўлганлиги аниқланди (2-жадвал). Кўчат қалинлиги

2-жадвал

**Ишлаб чиқариш шароитида қўлланган омилларни тупроқ
зарраларининг ювилишига таъсири, 2024 й**

Вар №	Кўчат қалинлиги	Biologik preparat meyori, l/ga	Yuvilgan tuproq, kg/ga
1	142,8 минг.дона/га	Hazorat	29315



2		Biogutten 1 l/ga	29161
3		Biogutten 2 l/ga	27945
4		Biogutten 3 l/ga	27581
5	333,3 минг.дона/га	Biogutten 1 l/ga	20356
6		Biogutten 2 l/ga	20198
7		Biogutten 3 l/ga	20011

Ерёнғокнинг кўчат қалинлиги гектарига 333 минг.дона/га экилиб биологик препарат “Биогуттен” ни 1 л/га, 2 л/га, 3 л/га меъёрларда қўлланилган 5-6-7-вариантларда тупроқ зарраларини ювилиши назорат хисобланган 1-вариантга нисбатан мос равишда 8959 кг/га; 9117 кг/га; 9304 кг/га камроқ бўлганлиги қайд қилинди.

Ерёнғокнинг кўчат қалинлиги ҳамда Biogutten биологик препаратини унинг биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилганда юқоридаги қонуниятларга тескари пропорционал бўлганлиги аниқланди. Чунки кўчат қалинлиги ортган сари ерёнғокдаги бир туп ўсимликдаги дон сони ҳам, бир туп ўсимликдаги дон оғирлиги ҳам, 1000 дон дон оғирлиги ҳам камайиб борганлиги қайд қилинди. Олиб борилган ишлаб чиқариш тажрибасида 1000 дон дон оғирлигини энг юқори бўлган вариант 4-вариант, яъни гектарига 142 минг.дона ерёнғок кўчат қолдирилиб 3 л/га биологик препарат қўлланилганда бўлиб 401,2 г ни ташкил этган (3-жадвал). Ушбу вариантда бир туп ўсимликдаги дон сони ҳам, бир туп ўсимликдаги дон оғирлиги ҳам бошқа вариантларга нисбатан энг яхши бўлганлиги аниқланди.



3-жадвал

**Ерёнғокнинг кўчат қалинлиги ҳамда Biogutten биологик
препаратини унинг биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига
таъсири, 2024 й**

Вар №	Biologik preparat meyori l/ga	Бир туп Ўсимликдаги дуккаклар сони			Бир туп ўсимликд аги дон сони, дона	Бир туп ўсимликда ги дон оғирлиги, гр	1000 дона уруғ вазни, гр
		20.09	Етил ган	Етильм аган			
1	Назорат	29,9	22,3	7,6	48,2	11.9	395,8
2	Biogutten 1 l/ga	34,8	28,1	6,7	61,4	13.8	396,3
3	Biogutten 2 l/ga	36,7	29,1	6,6	64,8	14,0	397,3
4	Biogutten 3 l/ga	37,1	31,3	5,8	65,7	14,9	401,2
5	Biogutten 1 l/ga	38,9	29,2	9,7	42,9	9,9	373,4
6	Biogutten 2 l/ga	40,8	32,4	8,4	45,1	10,1	383,3
7	Biogutten 3 l/ga	41,9	33,9	8,0	46,3	10,9	384,6



Таҳлил натижаларига кўра ирригайия эррозиясига мойил ерларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида ерёнғоқ экини экилганда бир туп ўсимликдаги дон оғирлиги энг юқори бўлган вариант 4-вариантда бўлиб 14,9 г, бир туп ўсимликдаги дон сони эса 65,7 донани ташкил қилганлиги аниқланди. Бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони ерёнғоқни гектарига 333 минг.дона/га экилган вариантларда кўп бўлганлиги аниқланди. Бироқ бир туп ўсимликда етилмаган дуккаклар сони ортиб кетганлиги қайд қилиниб, энг кўп етилмаган дуккаклар 5-вариантда бўлиб, яъни 333 минг.дона/га ерёнғоқ кўчати қолдирилиб гектарига 1 л/га меъёрада “Биогуттен” биологик препарати қўлланганда 9,7 донани ташкил этган. Биологик препарат “Биогуттен” ни қўллаш меъёри гектарига 2 л/га ва 3 л/га меъёрга орттирилганда эса битта ўсимликдаги етилмаган дуккаклар сони камайиб 6-7-вариантларда 8,4; 8,0 донани ташкил этган.

Андижон вилоятининг ирригация эррозиясига мойил оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган ишлаб чиқариш тажрибасидан олинган дон ва пичан ҳосилдорлиги ҳам ўрганилди. Олинган натижаларга кўра ерёнғоқдан энг юқори ҳосилдорлик 7-вариантда бўлиб, дон ҳосилдорлиги 30,3 ц/га н, пичан ҳосилдорлиги эса 58,3 ц/га ни ташкил этган. Бу эса 7-вариантда, яъни гектарига 333 минг.дона кўчат қодирилиб, биологик препарат “Биогуттен” энг юқори меъёрада қўлланилганда бўлиб, назоратга нисбатан 13,6 ц/га қўшимча дон ҳамда назоратга нисбатан 24,5 ц/га қўшимча пичан олинганлиги кўрсатди.

5.19-жадвал

Ko‘chat qalinligi hamda Biogutten biologik preparatini qo‘llashni yeryong‘oqni hosildorligiga tasiri, 2023 y

	Ekish sxemasi		Uch yillik o‘rtacha
--	----------------------	--	----------------------------



Var №		Biologik preparat meyori, l/ga	Don hosili, s/ga	Pichan Hosili, s/ga
1	142 ming.dona/ga	Hazorat	16,7	33,4
2		Biogutten 1 l/ga	19,6	43,6
3		Biogutten 2 l/ga	20,5	43,8
4		Biogutten 3 l/ga	21,4	44,6
14	333 ming.dona/ga	Biogutten 1 l/ga	26,4	53,8
15		Biogutten 2 l/ga	29,9	57,5
16		Biogutten 3 l/ga	30,3	58,3

Назорат вариантида эса ерёнғоқнинг дон ҳосилдорлиги 16,7 ц/га ни, пичан ҳосилдорлиги эса 33,4 ц/га ни ташкил қилганлиги аниқланди. Биологик препарат “Биогуттен” қўлланган вариантларда эса ерёнғоқдан энг кам дон ва пичан ҳосили олинган вариант 2-вариант, яъни гектарига 142 минг.дона/га кўчат қолдирилиб, Биологик препаратни гектарига бир марта 1 л/га меъёردа қўлланилган да бўлиб дон ҳосили 19,6 ц/га ни, пичан ҳосили эса 43,6 ц/га ни ташкил этган.

Тажрибалардан олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилинганда энг мақбул кўчат қалинлиги гектарига 333 минг.дона бўлиб, ушбу кўчат қалинлигида тупроқнинг ювилиши ҳам камайганлиги ҳамда ерёнғоқдан олинадиган дон ва пичан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлганлиги аниқланди.



Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.К., Қодиров А.Қ., Турсунов А.Т., 4; 85-95-б. // “Дуккакли экинлар етиштириш технологияси” тошкен., “Фан ва технология” нашрети, 2016 й
2. Эгамов Х., Рахимов А., Турсунов И., Жўраев А., Холмуроджонов Ж., Устойчивость сортов и линий хлопчатника к паутинному клещу //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. -Белгород:2020. 12-14 с.
3. Эгамов Х., Кимсанов И., Рахимов А., Жўраев А.Н, Холмуроджонов.Ж., Вопросы методики селекции и комбинационной способности сортов хлопчатника //«Модернизация сферы образования и науки с учетом мировых научно-технологических трендов» сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. - Белгород:2020. 15-18 с.
4. Турсунов Х., Жўраева Х., Жўраев А.Н. The effect of rice sowing on the seedling method for different periods planting pattern and the number of seedlings // Ж. Psychology and education ISSN:00333077 (2021) 58 (1): 5517-5525
5. Жўраев А.Н., Мамадалиев З., Холмуроджонов Ж. Основные агротехнических мероприятияпри возделывание озимой пшеницы // Ж. Science and world international scientific journa. ISSN: 2308-4804. №6(82), 2020. 33-б.